



## СУВ ВА ОЛОВ ОБРАЗЛАРИНИНГ МИФОЛОГИК ТАЛҚИНЛАРИ НИЗОМОВА ШОХИСТА ШОДИЕВНА

*Бухоро давлат университети*

*Мактабгача таълим кафедраси ўқитувчиси*

**Аннотация:** Ушбу мақолада замонавий шеърятда сув ва олов образларининг мифологик талқинлари хусусида фикр юритилган. Сув ва олов билан боғлиқ қадимий мифологик тасаввур-тушунчалар, талқинлар бадиий ижодда сув ва олов образларининг келиб чиқиши ҳамда шаклланиши илдизларини очишда муҳим аҳамият касб этади.

**Kalit soʻzlar:** шеърят, маросим, оилавий-маиший маросим, тасвир, табиат ҳодисалари

Сув ва олов билан боғлиқ қадимий мифологик тасаввур-тушунчалар, талқинлар бадиий ижодда сув ва олов образларининг келиб чиқиши ҳамда шаклланиши илдизларини очишда муҳим аҳамият касб этади.

Инсоният ҳамиша ёмғир, қор, туман, шудринг ва ҳоказо сингари табиат ҳодисаларининг қандай содир бўлишини билишга қизиққан. Лекин буни англамай, турли мифологик тасаввур-тушунчаларга борган. Кўпинча табиат ҳодисаларини жонли деб тасаввур қилган. Одамларнинг бундай азалий қизиқишини Усмон Азим бир шеърда қуйидагича ифода этган:

Қайдандир сепалар ёмғир, судралиб

Туманлар ўралар бўйнимга.

Изғирин илондай совук буралиб –

Киради қўйнимга.

Усмон Азим севги ҳақидаги шеърда севги инсонлар учун қоронғуликдан кўркмасин деб, юлдузларни ёқиб қўйганини, унинг кучи билан сув булутга, булут ёмғирга, дарё денгизга айланажагини айтади.<sup>1</sup>

Аввало, одамнинг пайдо бўлишига алоқадор тасаввурлар ҳам қисман сув ва оловга боғланади. Бу ҳақдаги афсоналарда айтилишича, инсон танаси тўрт унсурдан таркиб топган: тупроқ, сув, олов (нур), ҳаво. Шунинг учун инсон буларсиз яшай олмаслиги айтилади. Шоир Шавкат Раҳмон бир шеърда бунга ишора қилиб шундай ёзади:

Ким эдим-у,

<sup>1</sup> Усмон Азим. Фонус. Шеърлар тўплами. – Тошкент, 2010. – Б.120.



ким бўлдим энди,  
кўриб турар куёш, сув, тупрок.  
Кўзларимдан кўра ҳаётни  
елкаларим кўрибди кўпроқ...

Сувга эътиқоднинг мифологик асослари шу билан белгиланадики, инсонларнинг, умуман, тирик мавжудотнинг сувга бўлган ҳаётий эҳтиёжи уни муқаддаслаштиришга ва илоҳийлаштиришга олиб келган. Одамлар унинг ҳаётбахшлигини англаб, ҳеч қачон тугамаслигини, абадийлигини хоҳлагани учун “оби ҳаёт”, “тириклик суви”, “мангу ҳаёт суви” ҳақидаги мифологик талқинларни яратганлар. “Мангу ҳаёт суви” тимсолида сувнинг ва табиатнинг, инсон ҳаётининг боқийлигини орзу қилганлар. Ана шу сабаб халқ оғзаки ижодига хос асотир, афсона ва эртақларда сув мангу ҳаёт воситаси сифатида талқин этилади. Ҳатто сув дунёси ўзига хос сирли олам сифатида тасвирланади.<sup>2</sup>

Сувнинг овозини кўпчилик хуш кўради. Унинг шарқираб ёки милдираб овоз солиб оқиши дилларга ёқади. Инсон ана шу овозга кулоқ солиб турар экан, ундан маъно излашга ҳаракат қилади, аммо сув шеvasини барибир тушунмайди:

Ариқда тип-тиниқ, милдир-милдир оққан сув

Шеваси дилимга хуш.<sup>3</sup>

Шавкат Раҳмон “Сувлар ила мулоқот” шеърида дил ҳасратларини тинглайдиган сувдан ўзга ҳамфикр тополмаганидан зорланади.

Шилликқуртдай тўлғанар ариқ,

Суянаман бадбуруш толга.<sup>4</sup>

Ушбу мисраларда ариқ сувининг тўлғаниб-тўлғаниб, секин оқиши шилликқуртнинг оҳиста юришига ўхшатишмоқда.

Япон олими Масару Эмото “Сувнома” деб номланган махсус публицистик асар ҳам яратган. Унинг ўзбекча таржимаси “Жаҳон адабиёти” журналида чоп этилган.<sup>5</sup>

Қадимда сувни жонлантириш асосида сув маъбудлари, сув парилари, сув девлари ҳақидаги мифологик тасаввур-тушунчалар шаклланган. “Сув дунёси”, “сув олами”, “сув ости мамлакати”, унга элтувчи “сув йўли” ҳақидаги эпик талқинлар вужудга келган. Афсона, эртақ, дostonларда сеҳрли сув, оби ҳаёт инсонни яшартирувчи, соғлик ва ёшлиқни қайтариб берувчи, кўр кўзни қайта очувчи, ҳатто ўликка қайта жон ато этувчи, мангу ҳаёт бағишловчи ғаройиб қудратга эга магия восита сифатида талқин қилинади ва фаол қўлланилади. Масалан, “Ниёзбой ва Аёзбой”<sup>6</sup> эртагида сеҳрли сув сюжет воқеалари ривожланишига таъсир кўрсатувчи тимсоллардан бири сифатида гавдалантирилади. Унинг ичса-да тугамаслиги, шифобахшлиги алоҳида таъкидланади.

Миф ва афсоналарда олов куёшдан узиб олиб, ерга олиб тушилгани, унинг бир бўлаги, парчаси экани айтилади. Шундан келиб чиқиб, кўпинча адабиётда куёш (офтоб) ва олов образлари ёнма-ён келтирилади.

<sup>2</sup>И.В.Гётё.Беҳиштнома «Мағрибу Машриқ девони.

<sup>3</sup>Зулфия. Лавҳа / Тонг билан шом аро. Сайланма. – Т.: Шарқ, 2012. – Б.159.

<sup>4</sup>Рауф Парфи. Сўнги видо. – Т.: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. – Б.35. (136).

<sup>5</sup>Масару Эмото. Сувнома. Публицистика. – Жаҳон адабиёти. – Тошкент. – 2007. – 2010. – Б.100-134.

<sup>6</sup>Само тулпори. Ўзбек халқ фантастикаси. V-китоб. – Тошкент: Ёш гвардия, 1987. –Б.122.



Ўзбек афсоналарида оловнинг пайдо бўлиши Жамшид авлодидан бўлган отбоқар Гештасп номи билан боғланади. У улкан бир дуб дарахти қавагида олов ёққани ва оташпарастликка асос солгани айтилади. Бу ўринда оловнинг дарахт билан алоқаси алоҳида эътиборни тортади. Ўзбек афсоналарида олов дарахт, ўз-ўзидан ёниб кетувчи дарахт – чинор ҳақида талқинлар учрайди.<sup>7</sup>

Маълумки, зардуштийлик дини оловга сиғиниш билан боғлиқ. Шунинг учун зардуштийлик «оташпарастлар дини» ҳисобланади. Унинг муқаддас китоби «Авесто»да олов муқаддас ҳодиса сифатида кўрсатилади. «Авесто»да оловни ҳаром қилишдан сақланиш, уни муқаддас билиш, ўчирмай асраш хусусида кўрсатмалар берилган.<sup>8</sup> Албатта, бунинг илдизи халқнинг «мангу олов», «ўчмас олов» ҳақидаги қарашларига ҳам бориб боғланади. Этнограф А.Аширов эса оловнинг **осмон олови, дарахтга яширинган олов, оташгоҳларда ёниб турган олов, илоҳий олов, чақмоқ олови ва инсон танасига иссиқлик ва ҳаёт бағишловчи олов** каби турли кўринишларда намоён бўлишини таъкидлайди.

Хуллас, олис ўтмишда аجدодларимизнинг сув ва олов билан боғлиқ дастлабки тажрибалари ва тасаввурлари уларга нисбатан ҳозирги муносабатларнинг шаклланишида ўзига хос асос вазифасини ўтаган. Ўзбек оилаларида сув ва оловга эътиқод қадимдан шаклланган бўлиб, қатор анъаналарда ҳамон давом этиб келаётир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Хамроева Н. Н., Хотамова И. У., Матниёзова Ш. Б. ХАРАКТЕРНЫЕ ОСОБЕННОСТИ КОМПЛИМЕНТА КАК ЭТИКЕТНОГО РЕЧЕВОГО ЖАНРА //Academy. – 2020. – №. 12. – С. 81-82.
2. Nizomiddinova K. N. Anthropocentric Approach to Language: Phatics and its Properties //CENTRAL ASIAN JOURNAL OF LITERATURE, PHILOSOPHY AND CULTURE. – 2021. – Т. 2. – №. 10. – С. 107-110.
3. Khamroeva, Nafisa Nizomiddinova. "THE IMPORTANCE OF COMPLIMENT IN THE NORMS OF SPEECH ETHICS." Scientific progress 2.7 (2021): 1213-1217.
4. Низомиддинова Ҳ. Н. ИЛТИФОТНИНГ ПРАГМАЛИНГВИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ //Сўз санъати халқаро журнали. – 2020. – Т. 5. – №. 3.
5. Hamroyeva N. Bolalar nutqini ostirishda o'yinlar va sahnalashtirish faoliyatini ahamiyati //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.uz). – 2020. – Т. 2. – №. 2.
6. Hamroyeva, N. (2022). КОНФЛИКТНАЯ РЕЧЬ (КОНФЛИКТНЫЙ ДИСКУРС) И ЕГО СОЦИОЛИНГВИСТИЧЕСКАЯ ПРИРОДА. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz), 8(8).
7. Hamroyeva, N. (2022). Антропоцентрический подход к языку: фатика и ее особенности. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz), 8(8).
8. Hamroyeva, N. (2022). В РАССКАЗЕ ГУЛОМА "Я БУДУ ВОРОМ" ПРИМЕР ЖИВОЙ КОММУНИКАЦИИ. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz), 8(8).
9. Hamroyeva, N. (2022). НОРМЫ РАЗГОВОРНОЙ ЭТИКИ И ДОБРОТЫ. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz), 8(8).
10. Hamroyeva, N. (2022). Комплимент и его метакоммуникативные функции. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz), 8(8).

<sup>7</sup> Жўраев М., Саттиева Д. Ўзбек фольклорида ҳаёт дарахти. – Т.: «Фан», 2010. – Б.13.

<sup>8</sup> Авесто.



11. Sharipova M. B., Nizomova S. S. The artistic image of the image of" water" in the poem //УЧЕНЫЙ XXI ВЕКА.–2018. – 2018. – Т. 11. – С. 75.
12. Nizomova S. S. SHARIA'S DESCRIPTION OF THE CEREMONIAL ATTITUDE TO WATER //Archive of Conferences. – 2020. – Т. 4. – №. 4. – С. 65-67.
13. Uraeva D. S. et al. THE EXPRESSION OF THE NATIONAL TRADITIONS AND BELIEFS IN UZBEK PHRASEOLOGICAL UNITS //Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 6. – С. 469-472.
14. Хамроева Н. Н., Низомова Ш. Ш. Важные стороны уроков чтения в повышении культуры книгочтения //Проблемы педагогики. – 2020. – №. 1 (46).
15. Низомова Ш. Ш. ВЫРАЖЕНИЕ ОБРАЗОВ В УЗБЕКСКОЙ ПОЭЗИИ //Проблемы науки. – 2021. – С. 79.
16. Nizomova S. S. THE SCOPE OF THE TOPICS OF THE SHARIA OF THE INDEPENDENCE PERIOD //Archive of Conferences. – 2020. – Т. 4. – №. 4. – С. 68-69.
17. Низомова Ш. Ш. СПОСОБЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ КОМПЬЮТЕРНЫХ РАЗВИВАЮЩИХ ИГР В ДОШКОЛЬНОМ ОБРАЗОВАНИИ //Проблемы педагогики. – 2020. – №. 6 (51).
18. Низомова Ш. Ш., Нурмуродова С. Э. К. Техника речи как основной инструмент учителя //Проблемы педагогики. – 2020. – №. 1 (46).
19. Низомова, Ш. Ш. "Роль современных информационных технологий и электронных средств в обучении, образовании и развитии личности." *Вестник магистратуры* 4-3 (2019): 68.
20. Nizomova S. S. MODERN POETRY //ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА СОВРЕМЕННОЙ НАУКИ. – 2020. – С. 89-90.
21. Низомова Ш. Ш. ПРОБЛЕМНОЕ ОБУЧЕНИЕ КАК СРЕДСТВО РАЗВИТИЯ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ СФЕРЫ СТУДЕНТОВ //ВЕСТНИК МАГИСТРАТУРЫ. – 2019. – №. 12-2. – С. 116.
22. Nizomova, S. (2020). ZAMONAVIY SHE'RIYATDA SUV VA OLOV BILAN BOG 'LIQ OBRAZLARNI IFODALASH AN'ANASI. *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.uz)*, 2(2).
23. Низомова Ш. Ш. ВЫРАЖЕНИЕ ОБРАЗОВ В УЗБЕКСКОЙ ПОЭЗИИ //Проблемы науки. – 2021. – №. 6 (65). – С. 79-81.
24. Nizomova, S. S. (2021). Images In Modern Uzbek Poetry. *Psychology and Education Journal*, 58(1), 754-758.
25. Nizomova, S. S. (2020, August). SHARIA'S DESCRIPTION OF THE CEREMONIAL ATTITUDE TO WATER. In *Archive of Conferences* (Vol. 4, No. 4, pp. 65-67).
26. Azimov Y. Y., Qo'ldoshev R. A. Husnixatga o'rgatishning amaliy asoslari (metodik qollanma). GlobeEdit, 2020.-141bet.
27. Qo'ldoshev R. A. Cognitive activity of left-handed children.«НАЧАЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ: ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ» III-Международная научнопрактическая конференция. – 2020.



28. Rustambek Q. O. L. Birinchi sinf chapaqay o 'quvchilarining maktabga moslashishi, maktabga moslashishi davridagi pedagogik yordamning mazmuni //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2020. – Т. 1. – №. 1.
29. Qo'ldoshev R. SHAPAQAY O 'QUVCHILARDA YOZUV KO'NIKMALARINI SHAKLLANTIRISH //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 7. – №. 7.
30. Qo'ldoshev R. BIRINCHI SINIF SHAPAQAY O 'QUVCHILARNI YOZISHGA O 'RGATISH //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 7. – №. 7.
31. Qo'ldoshev R. ЧАПАҚАЙ ЎҚУВЧИЛАРНИ ЁЗУВГА ЎРГАТИШНИНГ ИЛМИЙ АМАЛИЙ АСОСЛАРИ //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 7. – №. 7.
32. Qo'ldoshev R. ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЧАПАҚАЙЛИГИНИНГ ФИЗИОЛОГИК, ПСИХОЛОГИК ВА ПЕДАГОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 7. – №. 7.
33. Қўлдошев Р. А. БОШЛАНГИЧ СИНФ ЧАПАҚАЙ ЎҚУВЧИЛАРНИ ЁЗУВГА ЎРГАТИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 6. – С. 1120-1129.
34. Nabiba G. BIRINCHI SINIF O 'QUVCHILARIDA YOZUV MALAKALARINI SHAKLLANTIRISH //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 7. – С. 983-989.
35. ТЎХСАНОВ Қ. БОШЛАНГИЧ СИНФЛАРДА МУСТАҚИЛ ИШЛАР ОРҚАЛИ ЎҚУВЧИЛАР НУТҚИ ВА ТАФАККУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ АСОСЛАРИ //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2020. – Т. 1. – №. 1.
36. Тўхсанов Қ. Р. АРХАИЗМ ВА ТАРЖИМА: Қахрамон Раҳимбоевич Тўхсанов БухДУ филология фанлари доктори, доцент //Научно-практическая конференция. – 2021.
37. Tukhsanov K. R. DJAMAL KAMAL-AN EXPERIENCED TRANSLATOR //Scientific reports of Bukhara State University. – 2020. – Т. 4. – №. 4. – С. 181-189.
38. Tukhsanov K. R. FOLK PROVERBS IN “MASNAVI” AND THEIR EXPRESSION IN UZBEK TRANSLATION //Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 5. – С. 301-306.
39. Тухсанов К. Р. К вопросу о переводе на узбекский и русский языки притчи" Спор грамматика с кормчим" персидского поэта Руми //Филология и лингвистика в современном обществе. – 2014. – С. 36-39.
40. Тухсанов К. Р., АРХАИЗМ В. А. ТАРЖИМА//Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал.–2020.

